

Курс ишини кафедрага тақдим этиш ва ҳимоя қилиш

Талаба курс ишини ёзиб тугаллагандан сўнг уни кафедрага топширади. Кафедрада курс иши рўйхатга олиниб илмий раҳбарга расмий топширилади. Илмий раҳбар курс ишини ўқиб чиқиб ҳамда текшириб у бўйича ёзма тақриз тайёрлайди ва талабага беради.

Тақризда мавзунинг қуйидаги жиҳатлари ёритиб берилиши керак:

- А) мавзунинг долзарблиги тўғри очиб берилганлиги;
- Б) мақсад ва вазифаларнинг тўғри белгиланганлиги;
- В) режанинг мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб тузилганлиги;
- Г) режа боблари ва ундаги параграфларнинг мантиқий боғланганлиги ҳамда узвийлиги;
- Д) параграфларда фикрларнинг ёритиб берилганлиги ҳолати (амалий кўрсаткичлар, таҳлилий фикрлар, камчиликлар ёки афзалликлари);
- Е) хулоса ва таклифларнинг асосланганлиги ва уларнинг мақсад ҳамда вазифалар билан боғланганлиги;
- Ж) таклифларни назарий-амалий аҳамияти мавжудлиги;
- З) курс ишини расмийлаштириш тартиби тўғри эканлиги ва шу кабилар.

Илмий раҳбар юқоридаги ҳолатларни ижобий баҳолаб уларни тақризда кўрсатиб бериб курс ишини ҳимояга тавсия этади.

Башарти, курс ишида жиддий ҳамда қўпол камчиликлар мавжуд бўлса у ҳолда илмий раҳбар тақризида уларни аниқ кўрсатиб илмий ишни қайта ишлаш, яъни камчиликларни бартараф этиш учун ўз фикрини айтиб ўтади. Бу ҳолатда курс иши ҳимояга тавси қилинмайди. Талаба томонидан курс иши бўйича ёзилган тақриздаги камчиликлар тугатилгандан сўнг илмий раҳбар курс ишини ҳимояга тавсия этади.

Курс иши ҳимояси учун кафедрада профессор-ўқитувчилардан иборат (имконият бўлса амалиётдан ҳам мутахассислар жалб этилади) комиссия тузилади. Талабалар курс ишларини тегишли комиссия олдида ҳимоя қилади.

Кафедрада курс иши химояси бўйича график белгиланади. Талабалар график асосида курс ишини химоя қиладилар.

Химоя учун талаба 10 дақиққа вақтга мўлжаллаб маъруза тайёрлайди, уни ўқиб, кўргазмали слайдлар билан фикрларини асослаб беради.

Химоя давомида комиссия аъзоларининг мавзуга оид саволларига талаба тўлиқ жавоб бериши керак.

Комиссия томонидан курс иши 100 баллик тизим асосида баҳоланади. Унда илмий раҳбар тақризи ҳамда талабанинг жавоблари асос ҳисобланади. Баллар қуйидаги мезонлар асосида шаклланади.

-жадвал

Баҳолаш мезонлари

Мезон турлари	Балл кўрсаткичлари
Мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалар ҳамда режанинг узвийлиги	0-10
Ҳар бир боб ёки параграфнинг илмий ёритиб бериш ҳолати ва уларнинг мантиқий боғлиқлигини таъминланганлиги	0-20
Хулоса ва таклифларнинг илмий-амалий асоси ҳамда аҳамиятга эга эканлиги	0-20
Расмийлаштириш тартиби	0-10
Талабанинг маърузаси ва уни тушунтириб бериш қобилиятига	0-20
Берилган саволларга асосланган жавобларни берилиши	0-20

Ушбу мезонлар асосида талабага курс иши химояси бўйича қуйидаги баҳолар қўйилиши мумкин:

-жадвал

Курс иши химояси бўйича баҳолар

Баллар чегараси	Баҳолар
0 - 54	Қониқарсиз
55 - 70	Қониқарли
71 - 85	Яхши
86 - 100	Аъло

Комиссия аъзолари юқорида қайд қилиб ўтилган мезонлар асосида талабани курс иши химояси бўйича балларни белгилаб тўпланган балл ва унга мос келувчи баҳони эълон қилади.